

Маълумки ўзбек халки минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган бой адабиёт яратган. Классик адабиёт, деб аталадиган бу маънавий зарваракдаримиз кўлам жихатидан ҳам, мавзу ва гоёвий йўналиш нуктаи назаридан, жанрлари ҳамда бадиийлиги томонидан ҳам ниҳоятда ранг-барангдир. Ана шу бебаҳо хазинанинг катта қисмини насрий асарлар ташкил қилади. Биз кўп йиллик кузатишларимиз, ўнлаб насрий асарларнинг бевосита асл кўлёмаларини мутола қилиш натижасида қадимий насримизни жанр, тематика, гоёвий йўналиш ҳамда услуб жихатидан қуйидагича мухтасар тасниф этишни лозим кўрдик. Зероки, ҳозиргача «диний», «мистик», «хурофий» деб назардан соқит қилган ўнлаб насрий китобларимиз маърифат қони, ахлоқ-одоб дастуридир. Уларда исломий ахлоқлардан ташқари халқимиз маънавиятининг кўп қирралари ўз ифодасини топган, унинг турмуш уринишлари акс этган.

Хикоя, хикоят, тамсиллар. Бу турга «Қиссаи Рабғузий» (XIV аср), «Насойимул мухаббат» (XV аср), «Гулзор», «Мифтоҳул адл», «Жомеъул-хикоеъти туркий» (XVI аср), «Тазкиратул авлиёи туркий», Гулҳаний ва Нозил Хўжандийларнинг «Зарбулмасал» китоблари қиради. Мазкур мажмуалардаги хикоя, хикоят ва масалларнинг етакчи мавзуси панд-насихат, яхши хулқ-одобни, фарз ва суннатларнинг бажарилиши шартлиги, илм, ҳунар ўрганиш, сабр, қаноат, ризо, шукр, эътиқод, зикр, ишқ, маърифат, жавонмардлик, адолат ва бошқаларни тарғиб этиб, исломий одобга зид ҳислат, айб, гуноҳлардан парҳез қилишга қорлашдир. Ушбу китобларнинг ақсариятини ўзига ҳос одобнома дейиш мумкин. Уларнинг тили ва тасвир усулига «нақлдурким», «айтибдурларким», «хикоятда қелур», «аймишлар», «қабарда қелур», «қабарда қелмиш», «хикоятларда сўз бу турур», «хикоятларда андоқ қелурким», «бурунги ўтқан қамонда» сингари бошланмалар қарактерлидир. Деярли кўпчилик хикоятларда қиссадан қисса қикариш қарактерида яқуний байтлар қелади. Бундай асарларнинг тили гоётда равон ва фикр образли иборалар, лафзий ва шеърий санъатлар орқали лўнда ифодаланеди.

Турли мавзулардаги ишқий-сарғузашт, ахлоқий-таълимий, қахрамонлик руҳидаги қиссалар: «Қахрамони қотил», «Қиссаи Қамшид», «Қиссаи Дилнавоз», «Қиссаи Ақмадбек ва Юсуфбек», «Девонаи Мақраб», «Иброҳим Адқам», «Қазрати Али қиссаси», «Қиссаи малиқай Дилором», «Қиссаи Дороби зарринқамар», «Қангномай Суқроби Ял», «Қитоби подшоқ Афросиёб», «Сиёвуш қиссаси» ана шу қилдаги асарлар қирасига қиради. Афросиёб ҳақидаги қиссаинг бир қисми 1914 йили ҳозирги Турқиянинг Диёрбақр шақрида нашр этилган «Қанок қалъа» ойномасида ҳам босилган. Буларнинг услубига «Ровийлар ривоят қилурларким», «Ақмо ровиёни ақбор ва ноқилони осор ва муқаддисони қостон» қаби бошланмалар, бобдан бобга ёқи воқеадан воқеага ўтишда «алқисса» боқламаси ҳосдир. Бундай асарларда сюжет бир меъёрда, фавқулодда ўзқаришлар, ноқахоний воқеаларсиз баён этилади. Ақосий дикқат бош қахрамон сарғузаштини муқамал, гоётда нақис, образли баён этишга қаратилган. Уларнинг тарқибида руқий ҳолат, табиат манзаралари, жангу жадаллар, қахрамонларнинг қелбат ва салобати тасвирига бақишланган кўплаб рубоий, қазал, марсия, маснавийлар учқайди. Баъзиларида воқеа боқидан оқиригача назм ва наср аралаш тарзда тасвирланади.

Саргузашт романлар: «Самироншоҳ», «Барзунома», «Доробнома», «Хотамнома», «Жахонгирнома», «Саидбаттоли Гозий», «Абомуслимнома» каби ўнлаб асарлар ўзбек романчилигининг классик намуналари ҳисобланади. Бу хилдаги китобларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда воқеа кўлами жуда кенг. Асосий қаҳрамонлардан ташқари, унинг фаолиятини тўлдириб, муаллиф ижодий ниятининг мукамал тарзда ифодаланиши учун хизмат қиладиган ўнлаб образлар: воқеа ичидаги воқеалар ёки ҳикоя таркибидаги ҳикоялар жуда кўп. Бир романнинг ўзи бир неча ўнлаб ҳикоятлардан ташкил топган. Уларда муаллиф қасрлар, осмоний боғу-роғлар, сув осги шаҳарлар, даврий ва босқичли воқеаларни тасвирлайди. Қаҳрамонлар воқеалар жараёнида шажаралари билан иштирок этади. Ушбу романларнинг бадиий нафосати, тасвирий воситалардан истифода этилиши ҳам ана шу камроннинг ҳудудсизлиги, асосий қаҳрамонлар ва иккинчи даражали тимсолларнинг гоёта кўплиги билан белгиланади. Жумладан, анъанавий бошланма ҳамда воқеадан воқеага ўтишдаги восита лавҳалар ҳам турли-тумандир. Сўз, ибора, ифода, анъанавий бошланма ва боғланмалар ҳар бир романда айрича нафосатга эга. «Аммо ровиёни ахбор, ноқилони осор муҳаддисони достони кўхан, хушачинони хирмани суҳан», «Бу воқеаларнинг донанда ва бинандаси андоғ ривоят қилибдурларким» сингари бошланмалар, воқеадан воқеага ўтиш тасвирида эса «Эмди бир қалима сўзни бошқа ердин эшитинг», «Буларни бу ерда кўюнг, икки қалима сўзни ўзга жойдин эшитинг» каби боғловчи қириш гаплар ушбу романлар услубига хосдир. «Або Муслим жангномаси»да эса бундай бошланмининг янада мураккаброк кўринишини учратамиз. «Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достони бўстони гулистони қухан ва ху-шанчинони хирмани суҳан ва саррофони дорулаёни жавҳариёни риштаи бозори маоний ва суройороёни тасвири ажойиб ва чехрақушоёни ҳикоёти гаройиб... Ҳаким Тарсусий ва Ҳожа Муҳаммад Тохир Хўжандий шундоғ ривоят қилибдурларки».

Ўн саккизинчи асрда яшаб ижод этган андижонлик шоир ва ёзувчи Шох Хижрон «Барзунома»сида шу хилдаги бошланма лавҳанинг ўзгача кўриниши мавжуд. Унда сажъни ташкил этувчи сўзларнинг тизими ҳам, ифодалар таносиби ҳам ўзига хос жозиба ва раволикка молик. Бу асар асримизнинг бошида яшаган шоир ва мутаржим, ношир Хайбатуллоҳўжа Хислат «Барзунома»сидан ҳам бадиий тил воситалари, нафосати жихатидан устун туради. Чунки, Шох Хижрон қириш гап ва кистирма ибораларнинг нисбатан содқарок турларидан фойдаланган, арабий ва форсий сўз ва жумлаларни қамрок қўллашга интиланган.

Тарихий, тарихий-ёднома характеридаги насрий асарлар: «Тарихи Мулуки Аҷам», «Тарихи анбиё ва ҳуқомо», «Бобурнома», «Шажараи турк», «Шажараи тароқима», «Гулшани давлат», «Фирдавсул иқбол», «Шажараи Хоразмшоҳий» ва бошқа асарлар. Бу китобларда тарихий воқеалар муаллифлар томонидан олим кўзи билан кўриб, саралаб чиқилади, қузатилади, ёзувчи дилилига дойр тадқиқотлар яратишган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиёт институту олимлари «Ўзбек насри тарихидан» номли маҳсус рисола чоп эттирдилар. Унда ўзбек насрининг пайдо бўлиш тарихи, юқорида таъкидлаганидек, «Бобурнома», Ҳожа ҳикоялари, Умар Боқий китоблари, «Тохир ва Зухра», «Латойиф-ут-тавоиф»нинг таржимаси ва XIX асрнинг иккинчи ярмидаги наср намуналаридан айримларига дойр тадқиқотлар жамланган. «Тарихи муҳожирон» ва «Қоралар фалсафаси» асарлари ўша давр адабиётшунослиги руҳида таҳлил этилган.

Афсуски, бу китобдан биз юкорида тилга олган аксарият асарлар тахлили ўрин олмаган. Ачинарлиси шундаки, бу тадкикотни маъруза жараёнига олиб кириш у ёкца турсин, айрим педагогларимиз шундай илмий асар яратилганлигини билмайдилар ҳам. Эндиликда ёзиладиган дастурлар ва улар асосида битиладиган дарсликларда бу масалага жиддий ёндашишимиз, мумтоз насримизни ҳам шеъриятимиз каторида баробар ўрганиб боришимиз лозим.

Бундан бир неча йил мукаддам забардаст адабиётшунос, хозирги адабий жараённинг зукко мунаккиди, касбдош дўстимиз, профессор Азимжон Рахимов «Ўзбек романи поэтикаси»га багишланган докторлик диссертациясини химоя килди. Муаллиф ўзбек романчилигида учта сюжет чизиги мавжущигини айтиб, хар бир йўналишнинг илмий жихатдан чукур, мукамал тахлилини келтирган. Кизиги шундаки, олим кўрсатиб ўтган Оврўпа ҳамда хозирги ўзбек романнавислигидаги ана шу уч устивор сюжет тизими классик романларимиз бўлмиш «Самироншоҳ», «Доробнома» ва «Барзунома»ларда тўла мавжуд. Улардаги воқеалар камрови ҳам, тимсоллар силсиласию бадиий унсурлар ҳам хозирги романлар талаби ва табиатига гоятда якинدير. Демак, биз келажакда ўзбек классик адабиёти билан, хусусан, кадимги наср билан хозирги проза ўртасига хитой девори кўймай, уларни яхлит, тадрижий такомилда ўрганишимиз лозим экан. Зероки, хозирги хикоя, кисса ва романларимиздаги кўп бадиий унсурлар классик насримизда «мана ман» деб кўзга ташланиб турибди. Ушбу масала хозирги замон адабиёти билан шугулланадиган олиМларнинг кадимги насрий меросимизни ҳам жиддий тарзда ўрганиб боришларини такозо этади. Умуман, ўзбек адабиётини даврларга бўлиш нисбий нарса. Шунинг учун бу соҳа олимлари хар икки боскич адабий ходисаларини пухтарок билишга интилишлари факат фойда келтиради, холос.

Хамиджон Хомидов